



## СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНОТИ

**Р.Д.Дусмуратов**

*ТДИУ, Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси профессори, и.ф.д.,  
«Ўзбекистон Олий таълими аълочиси», [r.dusmuratov@tsue.uz](mailto:r.dusmuratov@tsue.uz)*

**С.Р.Дарвишов**

*ИИБ Академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси,  
подполковник. [sarvarbekdarvishov81@gmail.com](mailto:sarvarbekdarvishov81@gmail.com)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss6/a4](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss6/a4)

### Аннотация

Мазкур мақола суд-бухгалтерия экспертизасини(кейинги ўринларда-СБЭ) тайинлашнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Хусусан, жиноий, иқтисодий ва фуқаролик ишларида СБЭни тайинлаш тартиби, унинг ташкилий-ҳуқуқий таъминоти ёритилган; эксперт-бухгалтернинг вазифалари шакллантирилган; қўшимча ва қайта (такрорий), комиссиявий ва комплекс СБЭларини тайинлаш ҳамда ҳулосасини тузишнинг хусусиятлари очиб берилган. Уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** СБЭ, эксперт-бухгалтер, қарор, қўшимча экспертиза, қайта экспертиза, комиссиявий экспертиза, комплекс экспертиза, ажрим, экспертиза ҳулосаси.

### Кириш

Ўзбекистонда янгилаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар маълум даражадаги коррупция ҳолатлари ҳамда иқтисодий жиноятлар билан биргаликда кечмоқда. Ушбу негатив ҳодисалар даражаси эркин иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, мамлакат бюджетини катта миқдордаги даромаддан маҳрум қилади, инвестициялар оқимида тўсқинлик қилади, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кескинлаштиради ва умуман мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «**коррупция**, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда»[1]. Transparency International халқаро ташкилотининг 2022 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 126-ўринни эгаллади. Бу 2021 йилги кўрсаткичга (140-ўрин) қараганда 14 поғона юқори[6].

Бу вазият ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш заруратини вужудга келтирмоқда. Хусусан, бунда

СБЭларини тайинлашнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур мавзудаги тадқиқот **мақсади** СБЭнинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий таъминотини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- жиноий ишларда СБЭ ни тайинлашнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминоти, асослари, тайинловчи (суриштирувчи, терговчи, суд ва ҳ.) ва ижрочи (эксперт-бухгалтер)нинг вазифлари аниқлаштириш;

- эксперт-бухгалтерга қўйиладиган саволлар ва вазифаларнинг намунавий рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни туркумлаш;

- СБЭни қўшимча ва қайта (такрорий) ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини ривожлантириш;

- комиссиявий ва комплекс СБЭларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда хулоса тузиш хусусиятларини тавсифлаш;

- фуқаролик ва иқтисодий ишларда СБЭни тайинлашнинг хусусиятларини очиб бериш.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Дастлабки тергов босқичида терговчи ЎЗР ЖПКнинг 172-моддасига мувофиқ: «иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди. Эксперт олдида қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас»[3].

С.А.Звягин, И. Е. Стрыгиналар ёзишича, СБЭни ташкил этишда терговчи томонидан қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

«1) назорат остидаги иқтисодий субъектнинг фаолияти;

2) тадқиқ қилинаётган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими;

3) ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиш хусусиятлари;

4) суд-бухгалтерия экспертизаси методлари ва экспертиза амалларини қўллашнинг тавсифи ҳамда вақт чегаралари;

5) экспертиза жараёнидаги фаолиятни мувофиқлаштирилиши ва ўзаро таъсирини амалга ошириш;

6) экспертиза ўтказиш муддатларига риоя қилиниши»[7].

ЎЗР ЖПК 176-моддасига мувофиқ: «**Қўшимча экспертиза** эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади»[3].

Иқтисодий суд томонидан ЎЗР ИПКнинг 82-моддасига мувофиқ: «**қўшимча экспертиза** эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларни тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади»[4].

ЎЗР «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ: «суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) ёки турли хил (комплекс суд

экспертизаси) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин»[2].

ЎзР ЖКК 177-моддасига мувофиқ: «комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда экспертларнинг ҳар бири эксперт текширувларини тўлиқ ҳажмда ўтказди ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Экспертлар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди»[3].

Иқтисодий суд ЎзР ИПКнинг 84-моддасига мувофиқ комиссиявий экспертиза, 85-моддасига мувофиқ эса комплекс экспертиза тайинлаши мумкин. Хусусан, «комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда экспертларнинг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказди ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади. Экспертлар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди»[4]; «комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади»[4]. Мазкур Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ: «эксперт ёки экспертлар комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади»[4].

ЎзР ИПКнинг 80-моддасига мувофиқ: «экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда: экспертизани тайинлаш асослари; экспертнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёки экспертиза ўтказилиши лозим бўлган экспертиза муассасасининг номи; эксперт олдида қўйилган масалалар; эксперт ихтиёрига тақдим этиладиган материаллар ва ҳужжатлар; экспертизани ўтказиш ва судга хулосани тақдим этиш керак бўлган муддат кўрсатилади»[4]. Шунингдек, ажримда эксперт-бухгалтернинг қасддан ёлғон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳам кўрсатилади.

Шу билан бирга, мазкур моддага мувофиқ: «ишда иштирок этувчи шахслар: ўзлари кўрсатган шахсларни эксперт сифатида жалб этиш тўғрисида экспертизани муайян экспертиза муассасасида ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилишга, экспертни рад этиш тўғрисида арз қилишга; экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримга эксперт олдида қўйилган масалаларга қўшимча масалалар киритиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга; экспертга тушунтиришлар беришга; эксперт хулосаси билан ёки хулоса беришнинг имкони бўлмаганлиги ҳақидаги хабар билан танишишга; қўшимча ёхуд такрорий экспертиза ўтказиш ҳақида илтимос қилишга ҳақли»[4].

ЎзР ФПКнинг 84-моддасига мувофиқ: «экспертиза тайинлаш тўғрисидаги суд ажримида қандай масалалар бўйича экспертларнинг хулосаси талаб қилинаётганлиги ва экспертиза ўтказиш кимга топширилаётганлиги кўрсатилган бўлиши керак. Экспертлар тайинланаётганда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини инобатга олади»[5].

Шундай қилиб, суд экспертизасини, хусусан СБЭни ҳам, тайинлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари тегишли процессуал қонунчилик нормалари билан белгиланган. Лекин, шунга қарамасдан, амалиётда бу масалада айрим ташкилий-услубий бўшлиқлар мавжуд.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида аввало умумий методологик асос сифатида диалектика, умумилмий методлардан: илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантиқий методлар, қиёслаш каби назарий методлар; кузатиш, ўлчаш, таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил (локализация коэффициенти, молиявий таҳлил, статистик таҳлил ва б.) каби эмпирик методлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг ахборот таъминотини Ўзбекистон Республикаси Статистика Агентлигининг расмий маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза маркази (РСЭМ), давлат ва нодавлат суд экспертиза ташкилотларининг маълумотлари ташкил этади.

**Таҳлил ва натижалар.** Жиноий судлов ишларида СБЭлари дастлабки тергов босқичида ҳам, ишни судда кўриш босқичида ҳам амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, СБЭни тайинлаш учун юридик ва ҳақиқий (фактик) асослар бўлиши зарур.

*Ҳақиқий (фактик) асослар қуйидагилар бўлиши мумкин:*

- тафтиш хулосалари ва жиноий иш материаллари ўртасида, шунингдек дастлабки тафтиш ва қайта тафтиш хулосалари ўртасида зиддиятлар мавжудлиги;

- тафтишчи мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилмаганлиги;

- моддий жавобгар шахслар бўйича табақалаштирилмаган камомадлар тўғрисида тафтишчи хулосаларини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги;

- тафтишнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахслар иштирокисиз ёки тўлиқсиз ҳажмда ўтказилганлиги: жиноий ҳолатнинг айрим эпизодлари ёритилмасдан, мансабдор шахслардан олинган қоралама ёзувлардан фойдаланилганлик;

- етказилган зарарни ҳисоблашнинг тўғрилиги ёки уни аниқлаш учун тафтишчи томонидан қўлланилган методлар бўйича шубҳа пайдо бўлганида;

- айибланувчи томонидан тафтишчининг хулосаларини рад этувчи асосли илтимоснома тақдим этилганида ва ҳ.

СБЭни тайинлаш учун юридик асослар тармоқ процессуал қонунчилигида (ЎЗР ЖПК 172, 173-моддалари, ЎЗР ФПК 84, 84<sup>1</sup>-моддалари, ЎЗР ИПК 80, 82, 83-моддалари, ЎЗР МЖК 299-моддаси) акс этирилган ва суриштирувчи, терговчи, тергов органининг раҳбари ёки суднинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, жиноий ишда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотномалар, ички назорат хизматининг далолатномалари, аудиторлик хулосалари, идоравий текширув натижалари ва бошқа шу каби ҳужжатлар эксперт хулосасининг ўрнини босмайди ва суд-бухгалтерия экспертизасининг тайинланишини рад этиш учун асос бўла олмайди.

Фикримизча, СБЭ нинг муваффақиятли амалга оширилиши учун тергов ходими, уни тайинлашдан олдин қуйидагиларни бажариши лозим:

СБЭ ни тайинлаш учун асос бўлувчи фактлар ва юридик нормаларни ҳамда вақтини аниқлаши;

жиноий ишга доир зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлаши;

суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказадиган муассасани танлаши;

суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорни жиноят-процессуал қонунчилигининг талабларига мувофиқ расмийлаштириши;  
ушбу қарор билан гумон қилинувчи, айибланувчи ва унинг ҳимоячисини таништириши;  
гумон қилинувчи, айибланувчи ва унинг ҳимоячиси, жабрланувчи томонидан арз қилинганида уларнинг илтимосини қондириши;  
суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорни жиноий ишга доир барча ҳужжатлар ва материаллар билан биргаликда суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказувчи муассасага ёки экспертга топшириши;  
экспертиза жараёнида ўзининг иштирок этиши ёки этмаслиги тўғрисида эксперт-бухгалтерни хабардор қилиши.

Сўнгра суд-бухгалтерия экспертизаси қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилиши тавсия этилади:

1. СБЭ ни тайинлаш тўғрисида қарор чиқариш;
2. Материалларни тадқиқ қилиш учун эксперт-бухгалтерга топшириш;
3. Эксперт-бухгалтер томонидан экспертиза дастурини тузиш;
4. Дастурга мувофиқ экспертиза ишларини амалга ошириш;
5. Экспертиза натижаларини умумлаштириш ва тизимлаштириш;
6. Эксперт-бухгалтер хулосасини тузиш;
7. Натижалар бўйича профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш;
8. Хулосани экспертиза тайинлаган шахсга топшириш.

Терговчи СБЭ учун тўпланган материалларнинг етарлиликка ишонч ҳосил қилганидан сўнг, уни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Терговчининг қарори мажбурий процессуал ҳужжат бўлиб, бошқа ҳужжат унинг ўрнини боса олмайди. Бундай қарор чиқарилган пайдан бошлаб суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланган ҳисобланади.

СБЭни тайинлаш тўғрисидаги қарор икки нусхада тузилиб, таркибан учта бўлимдан иборат: *кириш, баён қилиш ва резолюция* (1-расм).

Эксперт-бухгалтерга ҳал этиш учун тергов қилинаётган жиноий ишнинг ва бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ҳамда иқтисодий фаолиятнинг турлари билан боғлиқ хилма-хил саволлар қўйилиши мумкин.

Қўйилган саволларнинг ноаниқ таҳрир қилиниши эксперт-бухгалтерга хулоса беришни рад этиш учун асос бўла олмайди. Терговчи саволларни шакллантириш бўйича малакали бухгалтердан маслаҳатлар олиши мумкин. Бунда бўлғуси эксперт-бухгалтер ҳам бу масалада маслаҳатчи бўлиши мумкин. Бундай нопроцессуал маслаҳатга кўп ҳолларда зарурат пайдо бўлади, чунки экспертизанинг тўлиқлиги, аниқлиги ва уни ўтказиш муддатларига риоя қилиниши қўйилган саволларнинг тўғрилигига боғлиқ.

**1-расм. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги  
Қ А Р О Р**

<b>К И Р И Ш Қ И С М И</b>	Қарорнинг санаси, тартиб рақами ва тузилган жойи, қарор қилинган экспертиза ишига доир ахборотлар келтирилади.
<b>Б А Ё Н Қ И С М И</b>	Ишнинг қисқача баёни ва суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлаш учун заруратни вужудга келтирган ҳолатлар ёритилади. Зарур ҳолларда тадқиқ қилиниши лозим бўлган экспертиза объектларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш мумкин. Булар эксперт хулосаларининг асосланганлигини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.
<b>Қ А Р О Р Қ И С М</b>	Экспертизанинг тоифаси ва тури, эксперт ҳал этиши учун терговчи томонидан шакллантирилган саволлар, тайинланган эксперт тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси ва исми-шарифи ва б.), эксперт-бухгалтерга топширилдиган ишга доир ҳужжатлар ва материаллар

Эксперт-бухгалтер олдига фақат тергов олиб борилаётган ишнинг муайян ҳолатларига тааллуқли бўлган, муҳим масалалар қўйилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳужжатли тафтишнинг сифатли ўтказилганлиги, аниқланган моддий зарарнинг қўлами ва пайдо бўлган даври, бухгалтерия ҳисобининг тўғри йўлга қўйилганлиги ва ушбу ҳисоб маълумотларининг ишончилиги, мазкур корхонадаги муайян хўжалик операциялари ва ҳ.к.лар тўғрисидаги саволлар.

Фикримизча, эксперт-бухгалтерга қўйилдиган вазифаларни қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

- мазкур корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва тегишли қонуности норматив ҳужжатлари талабларига мослиги;

- товар-моддий қийматликларнинг ҳисобдан чиқарилиши қайси ҳужжатлар билан ва қандай расмийлаштирилганлиги;

- товар-моддий қийматликларнинг бузилиши ва табиий камайиши тўғри расмийлаштирилганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги?

- муайян хўжалик операцияси содир этилганлигининг қонунийлигини ҳужжатларни таҳлил қилиш йўли билан текшириш мумкинми?

- пул маблағлари ҳисобдан чиқарилишининг расмийлаштирилиши ва унда қандай ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги;

- товар-моддий қийматликларнинг камомадлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилганлиги;

таъсисчилар чиқиб кетиши пайтида баланс валютасининг ҳаққонийлиги, уларга тўланиши лозим бўлган мол-мулклар қийматининг адолатли баҳоланганлиги, фойданинг тўғри аниқланганлиги ва ш.к.

Эксперт-бухгалтерга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: бошланғич ҳужжатлар; журнал-ордерлар; инвентаризация ва тафтиш далолатномалари; гувоҳлар, айибланувчиларни сўроқ қилиш баённомалари; юзма-юз учраштириш баённомалари; бошқа билимлар соҳалари (товаршунослик, қурилиши-монтаж, хатшунослик экспертизаси ва ҳ.к.) экспертларининг хулосалари, норасмий ҳисоб ҳужжатлари ва б.

Эксперт-бухгалтер қўйилган саволларга жавоб бериш учун бухгалтерия ҳисоби материалларини олиб, бошқа маълумотлардан, хусусан норасмий ҳисоб маълумотларидан (қоралама ёзувлар, норасмий қолдиқ чиқариш далолатномалари, ҳисоб операцияларининг қоралама ёзувлари ва б.) фойдаланишни рад этмаслиги лозим. Одатда, ушбу ҳужжатларда ҳам хўжалик ҳодисалари акс эттирилиб, улар моддий жавобгар шахслар ва бошқа шахсларнинг ташаббуслари билан тузилади. Улар товар-моддий қийматликларнинг ҳаракатланишини, моддий зарарлар кўламини ва уларнинг вужудга келган вақтини, моддий зарарлар суммасининг мансабдор шахслар ва моддий жавобгар шахслар ўртасида тақсимланишини тавсифлайди.

СБЭ ларини қўшимча ва қайта ўтказиш тергов ёки суд органларининг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Уларни тайинлаш ва ўтказиш процессуал қонунчилик билан тартибга солинади. Бунинг учун процессуал қонунчиликда тегишли моддалар, жумладан ЎЗР «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни (18-модда), ЎЗР ЖПК (176, 178-модда), ЎЗР ФПК(194-модда) ЎЗР ИПК (82-модда)да келтирилган. Қўшимча ва қайта экспертизалар барча процессуал норматив ҳужжатларда ўхшаш тарзда тайинланади ҳамда ўтказилади. Жиноий ишларда қўшимча ва қайта экспертизалар терговчи (суриштирувчи)нинг қарорига асосан тайинланади.

ЎЗР «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни 18-моддаси, ЎЗР ЖПК 176-моддаси, ЎЗР ФПК 194-моддаси ва ЎЗР ИПК 82-моддаларига (*Қўшимча ва такрорий экспертизалар*) мувофиқ эксперт-бухгалтернинг хулосаси етарли даражада аниқ ва тўлиқ бўлмаганида, ёхуд иш бўйича олдин тергов қилинган ҳолатларга доир янги саволлар вужудга келганида қўшимча суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланади.

Фикримизча, қўшимча СБЭ қуйидагиларни батафсилроқ очиб беради:

- эксперт-бухгалтер томонидан хулоса тақдим этилганидан сўнг тергов қилинаётган иш бўйича янги ҳолатлар вужудга келганида (масалан, ишга тааллуқли бўлган янги ҳужжатларнинг пайдо бўлиши, бошқа ташкилотларнинг архивларидан олиб қўйилиб, олдин текширув(экспертиза)га тақдим этилмаган ҳужжатларни ўрганиш заруратининг вужудга келиши ва б.);

- қўйилган саволга эксперт-бухгалтер томонидан жавоб берилган, лекин экспертизани тайинлаган субъектда, СБЭ хулосасини ўрганганидан сўнг, олдин ўрганилган объектлар бўйича янги саволлар пайдо бўлганида.

СБЭ хулосасининг етарли даражада аниқ ёки тўлиқ эмаслиги эксперт-бухгалтерни сўроқ қилиш орқали бартараф этилиши мумкин бўлса, агар қўшимча текширув ўтказиш талаб қилинмаса, қўшимча СБЭ ўтказиш зарурати вужудга келмайди.

Қўшимча экспертиза биринчи (олдинги) экспертизани ўтказган эксперт-бухгалтер (эксперт-бухгалтерлар комиссияси)га топширилади. Чунки у хулосанинг асосланганлигини текшириш учун эмас, балки тадқиқот натижаларини тўлдириш, янги саволларга жавоблар олиш, олдинги хулоса мазмуни ва фикрлардаги ноаниқликларни бартараф этиш учун тайинланади. Қўшимча экспертиза процессуал қонунчилик қоидаларига кўра бошқа экспертга топширилиши ҳам мумкин.

ЎЗР «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни 18-моддаси, ЎЗР ЖПК 176-моддаси, ЎЗР ФПК 194-моддаси ва ЎЗР ИПК 82-моддаларига (*қўшимча ва такрорий экспертизалар*) мувофиқ эксперт-бухгалтер томонидан тақдим этилган хулоса салбий баҳоланганида, қайта (такрорий) СБЭ тайинланиб, бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- эксперт-бухгалтернинг компетентсизлиги;
- процессуал ҳолатлар бўйича уни рад қилиш зарурати;
- эксперт-бухгалтер хулосасининг асослигига шубҳа пайдо бўлиши;
- эксперт-бухгалтер хулосаси ва иш бўйича тўпланган бошқа далиллар ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлганида;

- эксперт-бухгалтер(лар) фикрларида зиддиятлар мавжуд бўлганида.

Қайта СБЭ, хусусан, қўйидаги ҳолларда тайинланиши мумкин, агар:

- эксперт-бухгалтер томонидан экспертиза тадқиқоти методларини танлаш ва қўллашда хатоларга йўл қўйилганида, бу унинг СБЭ объектларини аниқлашда профессионал компетентлигига шубҳа пайдо бўлганида;

- битта иш бўйича СБЭни ўтказган бир нечта эксперт-бухгалтерларнинг хулосаларида тафовутлар ва зиддиятлар вужудга келиб, уларни экспертиза ўтказиш жараёнининг ўзида тузатиш имкони бўлмаганида;

- СБЭни ўтказишнинг процессуал қоидалари бузилган, масалан, экспертизани тайинлаш ва ўтказиш чоғида айибланувчининг ҳуқуқларини кафолатлайдиган нормаларга риоя қилинмаганида.

СБЭни қайта ўтказишдан мақсад ишдаги айнан шу материалларни (зарур ҳолларда эса, қўшимча тақдим этилган ҳужжатларни) ва айнан шу услубларни (ёхуд анча такомиллашганини) қўллаган ҳолда дастлабки экспертизада қўйилган саволларга жавоблар тайёрлаш учун тадқиқ қилиш(текшириш)дан иборат.

Қайта (такрорий) СБЭ суд, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор томонидан тайинланади. Улар СБЭни такрорий тайинлашда ўз қарорларини асослаб беришлари лозим. Хусусан, бунда қўйидагилар кўрсатилиши зарур:

- бирламчи экспертизанинг қайси жиҳатлари асоссиз деб топилганлиги;

- қандай ҳолатлар хулосадаги фикрларни шубҳа остига қўйганлиги;

- хулосадаги зиддиятлар нималарда ифодаланганлиги;

- экспертиза тадқиқотида қўлланилган илмий услуб(метод)лар нима сабабдан ва қанчалик такомиллашмаган.

Қўшимча ва қайта СБЭ бирламчи экспертизага ўхшаш, қўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорга мувофиқ тайинланади ва ўтказилади. Қўшимча ёки қайта СБЭнинг хулосаси ҳам, бирламчи экспертиза бўйича берилган хулосанинг тузилишига ўхшайди. Лекин қўшимча ёки қайта (такрорий) СБЭни ўтказишда, хулосанинг кириш қисмида бирламчи (олдинги) экспертизалар тўғрисидаги маълумотлар баён қилиниши зарур, хусусан: улар ким томонидан ва қаерда ўтказилганлиги; хулосанинг рақами ва санаси; биринчи экспертизанинг иккинчи маротаба кўриб чиқиш учун эксперт олдига қўйилган саволлари бўйича хулосалари; қайта ёки қўшимча экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган, уни тайинлаш сабаблари.

Олдин ўтказилган экспертизаларда йўл қўйилган хато-камчиликларни тўлдириш учун комиссиявий ва комплекс экспертизалар ҳам кўзда тутилган. Уларни тайинлаш зарурати тадқиқот объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, экспертиза жараёнида бир қанча мутахассислар иштирок этиши ёки ҳар хил билим тармоқларини қўллаш зарурати билан боғлиқ.

Эксперт хулосаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва ишга доир бошқа далиллар билан бир қаторда тадқиқ қилинади. Зарур ҳолларда эксперт-бухгалтер

эксперт хулосаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилганидан сўнг унга зарур тушунтиришлар беришга ҳақли, шунингдек суднинг ва ишда иштирок қилаётган шахсларнинг қўшимча саволларига жавоб бериши шарт. Бунда эксперт-бухгалтернинг қўшимча саволларга берган жавоблари ҳам суд мажлисининг баённомасига киритилади.

Комиссиявий экспертиза битта экспертиза объектини тадқиқ қилишда бир хил мутахассисликдаги бир нечта экспертлар иштирокида ўтказилади. Комиссиявий экспертизалар терговчи ёки суд томонидан, агар улар комиссиявий экспертиза хулосанинг ҳар томонлама ва объектив бўлишига ёрдам беради, деб ҳисобласалар тайинланади. Масалан, бундай экспертиза топшириқ мураккаб бўлган ҳолларда тайинланиши мумкин. Бунда мазкур экспертиза бўйича шакллантирилган саволлар кенгроқ ва батафсилроқ бўлиши мумкин.

Комиссиявий экспертизани ўтказишга биринчи экспертизани ўтказишда иштирок этган эксперт ҳам жалб қилиниши мумкин. Унинг иштироки материалларни тадқиқ қилиш ҳар томонлама ва тўлиқ, уларнинг таҳлили ва натижаларини баҳолаш, хулосалар ишончли ва объектив объектив бўлишига ёрдам беради. Комиссия таркибига кирувчи экспертлар ўтказиладиган экспертиза тадқиқотларининг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини ўзаро келишиб оладилар. Иш жараёнида экспертлардан биттаси эксперт-ташкilotчининг мажбуриятларини бажариши мумкин, аммо бунда унинг процессуал функцияси бошқа экспертларникидан фарқ қилмайди. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси тадқиқотларни тўлиқ ҳажмда ўтказиб, шундан сўнг барча экспертлар олинган натижаларни таҳли қиладилар ва агар улар битта ягона фикрга келсалар, битта хулоса тузилади ва барча иштирокчилар томонидан имзоланади.

Комплекс экспертиза ўтказишда экспертларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида экспертиза текширувларини олиб боради. Экспертиза хулосасида экспертларнинг ҳар бири қайси эксперт текширувларини ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Экспертларнинг ҳар бири хулосанинг ушбу эксперт текширувлари баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Фуқаролик ва иқтисодий жараёнларда СБЭларини тайинлаш тартиби айрим хусусиятларга эга бўлиб, улар ЎзР ФПК (84,194-моддалар) ва ЎзР ИПК (80,82-моддалари)да келтирилган. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тўғрисида Иқтисодий суд ажрим чиқаради, у таркибан юқорида келтирилган фуқаролик суди томонидан чиқариладиган ажрим билан ўхшаш.

Демак, фуқаролик ва иқтисодий жараёнларда СБЭ суднинг ташаббуси ва томонлар (даъвогар, жавобгар, терговчи, прокурор, учинчи шахслар)нинг илтимономаси бўйича тайинланади. Бунда иқтисодий жараёнда далил келтириш мана шу шахсларнинг зиммасига юкланади. Шунингдек, иқтисодий суд қўйидаги ҳолларда ўз ташаббусига билан экспертиза тайинлаши мумкин: 1) экспертизани тайинлаш қонунда белгилаб қўйилган ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд тақдим этилган далилнинг қалбакилаштирилганлиги тўғрисидаги аризани текшириш зарур бўлганида; 2) қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш зарурати вужудга келганида

Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича СБЭ тайинлашни ташкил этиш жиноий ишлардаги билан кўп жиҳатдан ўхшаш, лекин айрим фарқлар ҳам мавжуд. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича СБЭ тайинлаш асосан товар-моддий қийматликлар

камомати ёки юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар нотўғрилиги, шартномалар бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлиб, булар корхона томонидан даъво қўзғатиш предмети ёки корхона раҳбариятига ходимлар томонидан даъво қўзғатиш учун сабаб бўлади.

СБЭни ўтказиш давлат ва нодавлат суд экспертиза муассасаларига топширилиши мумкин. Бунда СБЭ нодавлат суд экспертиза муассасаси томонидан ўтказилганида, уни тайинлаган орган билан ушбу муассаса ўртасида шартнома тузилиши лозим.

Демак, суд (судья) фуқаролик иши бўйича СБЭ тайинлашда, эксперт-бухгалтер ҳал этиши лозим бўлган саволларни аниқ, муфассал шаклантириши ва асослантирилган ажрим чиқариши лозим. СБЭ тайинлаш тўғрисидаги суд ажрими ўрнига бошқа ҳужжат (хат, саволлар рўйхати ва б.) асос бўла олмайди. Томонларда ҳар бири ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилиши жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган саволларни судга тақдим этишга ҳақлидирлар. Аммо, эксперт-бухгалтер томонидан ҳал этилиши лозим бўлган саволларнинг охириги вариантини суд белгилайди. Бунда суд тақдим этилган саволлардан четга чиқиш ҳолатларини асослаши лозим. Шунингдек, томонлар СБЭни тайинлаш тўғрисидаги суд ажрими ва унда шаклантирилган саволлар билан ҳақлидирлар.

Суд барча саволларни кўриб чиқиб, уларни ўз ташаббусига кўра шаклантиради, мазкур ишга алоқадор бўлмаган ёки эксперт-бухгалтернинг компетенцияларидан четга чиқадиганларини чиқариб ташлайди. Шундай қилиб, саволларни охириги варианты суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги суд ажримида тўлиқ кўрсатилади.

Фуқаролик иши кўрилатганида суд, томонларнинг хоҳиш-истакларига қарамасдан, СБЭни тайинлаши мумкин. Суд экспертизани иш кўрилатган исталган босқичда, мазкур иш бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар, заруратга қараб тайинлаши мумкин.

Суднинг фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича СБЭ тайинлаш тўғрисидаги ажрими ҳам учта: кириш, баён қилиш ва қарор қисмидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, эксперт-бухгалтер ҳулосасини олиш талаб этилаётган саволларнинг якуний таҳрири суд томонидан белгиланади. Бунда қуйидагилар суднинг компетенциясига киради: а) суднинг ихтиёрига кўра янги саволлар киритилиши; б) саволлар мазмуни ўзгартирилмасдан таҳрир қилиниши; в) жараён иштирокчиларининг саволларини асослантирилган ҳолда рад этиш.

Демак, эксперт-бухгалтер экспертизани суднинг ўзида ёки ундан ташқарида ўтказиши мумкин. СБЭ, агар экспертиза текширувлари хусусиятларига кўра зарурат бўлса, ёхуд экспертиза предметини судга олиб келиш имкони бўлмаса, ташқарида (ўша предмет жойлашган ерда) ўтказилиши мумкин. Ишда иштирок этаётган шахслар, агар бу экспертиза тадқиқотларини ўтказишга халақит бермайдиган бўлса, экспертизани ўтказиш, экспертлар йиғилиши ва ҳулоса тузиш жараёнларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

Иқтисодий судлар амалиётида ишлар кўрилатганида СБЭлари ҳозирча жуда кам учрайди. Фикримизча, бунинг асосий сабаблари, *биринчидан* тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларимизнинг ва юридик шахсларнинг СБЭнинг замонавий имкониятларидан етарли даражада хабардор эмаслиги бўлса, *иккинчидан* СБЭнинг норматив, ташкилий-услубий ва кадр таъминоти етарли даражада такомилга етмаганлигидир.

**Хулоса ва таклифлар.** Суд экспертизасини, хусусан СБЭни тайинлашнинг норматив-ҳуқуқий таъимноти ва амалиётини тадқиқ қилиш натижаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

Эксперт-бухгалтерга қўйиладиган саволлар ва вазифаларнинг намунавий рўйхати шакллантирилди: корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва тегишли қонуности норматив ҳужжатлари талабларига мослиги; ТМЗларнинг ҳисобдан чиқарилиши қайси ҳужжатлар билан ва қандай расмийлаштирилганлиги; муайян хўжалик операцияси содир этилганлигининг қонунийлигини ҳужжатларни таҳлил қилиш йўли билан текшириш; пул маблағлари ҳисобдан чиқарилишининг расмийлаштирилиши ва унда қандай ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги; таъсисчилар чиқиб кетиши пайтида баланс валютасининг ҳаққонийлиги, уларга тўланиши лозим бўлган мол-мулклар қийматининг адолатли баҳоланганлиги, фойданинг тўғри аниқланганлиги ва ш.к. Шунингдек, улар туркумлиниб, амалиётда қўллаш таклиф қилинди.

2. Қўшимча СБЭда тергов қилинаётган иш бўйича янги ҳолатларни; олдин ўрганилган объектлар бўйича янги саволларни инobatга олиш тавсия қилинди. Қайта СБЭда эса бирламчи экспертизанинг қайси жиҳатлари асоссиз деб топилганлиги; қандай ҳолатлар хулосадаги фикрларни шубҳа остига қўйганлиги; хулосадаги зиддиятлар нималарда ифодаланганлиги; экспертиза тадқиқотида қўлланилган илмий услуб(метод)лар нима сабабдан ва қанчалик такомиллашмаганлигини инobatга олиш тавсия қилинди.

3. Комиссиявий ва комплекс СБЭларини тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда хулоса тузиш хусусиятлари очиб берилди. Фуқаролик ва иқтисодий ишларда СБЭни тайинлашнинг хусусиятларини очиб берилди: Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича СБЭ тайинлаш тўғрисидаги ажрим ҳам учта: кириш, баён қилиш ва қарор қисмига ажратиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 46 б.

2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Суд экспертизаси тўғрисида»,

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси [2020 й. 1.07 гача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан] – Т.: «Yuridik adabiyotlar Publich», 2020 й. – 824 б. <https://lex.uz/docs/111460>

. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси:

. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: (2016 йил 1.04 гача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: «Адолат», 2016 й. -400 б. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Ўвягин С. А., Стрыгина И. Е. Судебно-бухгалтерская экспертиза: особенности организации и проведения в современных условиях // Судебная экспертиза. 2017. № 6. С. 16—17.

8. Еремин С. Г. Судебная бухгалтерия : учебник. М. : ЦОКР МВД России, 2005. С. 36.

и

с

т

38

о

к

о